

## ҚАДРДОНИМСАН, ГАЗЕТА

Хўрсиндим. Салкам, бир йил давомида, яқин ҳамроҳимга айланган нашр, энди менинг қўлимга етиб келмайди. Синфимиз билан бирлашиб, обуна мавсуми учун йиғган пулларимиз қаерга сарфланганига ҳайрон бўлдим. Ҳеч бўлмаганда, қайси газетага обуна бўлишни биздан сўрашмаганига ўқиндим. Орадан бир муддат ўтиб, мураббийларимизнинг севимли нашримга бефарқ эмасликларига гувоҳ бўлдим.

## ОНАДЕК АЗИЗ ТИЛИМИЗ



## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЯНГИЛАНИШЛАР ОҒУШИДА

Навоий вилояти ёш ва навқирон бўлишига қарамай, унинг инсоният тамаддунига катта ҳисса қўшган қадимий ва бой тарихи бор. Воҳада не-не алломаю авлиёлар яшаб ўтган, улар номини ёд этиб, дунёнинг турли бурчақларидан одамлар зиёратга келишади.

Этиборлиси, бу замин мамлакатимиз иқтисодиётида ўзининг нодир ер ости бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти жиҳатдан бекиёс ўрин тутади. Худудда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, курилиш материаллари барқарор ривожланган.

Хусусан, охириги уч йилда 2 миллиард долларлик йирик саноат лойиҳалари ишга тушиши ҳисобига

10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Яқинда ишга тушган “Балпан тоғ” ва “Томди булок” конларидан йилига 3 миллион тоннадан олтинга бой маъдан қазиб олинади.

Бу борадаги сазй-ҳаракатлар, янги-янги лойиҳалар натижасида ишлаб чиқариш кўлами ортади, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти янада ошади, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилади, одамларнинг



## ҲУСУСИ БОҒЧАЛАР ЁППАСИГА ЁПИЛИШ АРАФАСИДА

### Тегишли вазирликлар қачон уйғонади?

Этибор берган бўлсангиз, матбуот саҳифаларида, телеэкранларда ва ижтимоий тармоқларда “Янги бино фойдаланишига топширилди” деб сарлавҳа кўйилган хабарларнинг ҳар иккитадан биттаси мактабгача таълим ташкилотларига тегишли бўлиб қолди. Бу, албатта, мазкур тизимда ижобий ўзгаришлар бўлаётгани, соҳага юксак этибор қаратилиб, жадал ислоҳотлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ортга назар ташлайдиган бўлсак, бир неча йиллар муқаддам кўп оилаларнинг болалари давлат боғчаларига жойлашиши учун навбат кутавериш кўчада ўйнаб мактаб ёшига етиб қолишарди. Эрталаб ишга кетиб, тунда қайтадиган оналар учун бу жуда катта қийинчилик тугдирар, айримлар боласи мактабга қатнайдиган бўлмагунча ишга ҳам чиқа олмасди.

(Давоми 4-саҳифада)



яшаш шароитлари ва турмуш тарзи яхшиланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев худуддаги саноат корхоналари фаолияти билан танишиш, жойларда халқ билан мулоқот қилиш, янги лойиҳаларни ишга туширишда иштирок этиш мақсадида жорий йил 25 ноябрь куни ушбу вилоятда бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга сафари чоғида жойлардаги учрашув-

лари, самимий мулоқотлари, янги лойиҳалар тақдимотлари билдирилган фикрларини юртдошларимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Зеро, ушбу ташриф худуднинг бекиёс имкониятларини юзага чиқариш, мавжуд муаммолар ечими сари дадил қадам ташлашга хизмат қилди.

(Давоми 2-саҳифада)



(Боши 1-саҳифада)

**100 минг нафар аҳоли  
ишли бўлади**

Навоий вилояти бой табиий ресурсларга, улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Кейинги йилларда воҳада бу бойликни халқимиз манфаати йўлида ишлатиш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чунки соҳанинг ривожланиши нафақат мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлайди, балки вилоятда иш ўринлари яратилишини ҳам таъминлайди. Лекин Навоийда саноатни янада ривожлантириш учун жуда катта захира ва имкониятлар бўлсада, улар тўлиқ ишга солинмапти.

Қишлоқ хўжалиги ҳам вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, воҳада агар тармоқда катта имконият бўлишига қарамай, бор салоҳият тўлиқ ишга солинмаган. Хусусан, Навоий ҳудудда 8,5 миллион гектар яйловлар бўлгани билан қўйчилик ва қоракўлчилик вилоятнинг драйверига айлангани йўқ.

Агар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилса, катта натижаларга эришиш мумкин. Кўплаб ёшлар иш билан таъминланиши, доимий даромад манбаига эга бўлиши, хорижга чиқмасдан шу ернинг ўзида меҳнат қилиши тайин. Боиси биргина қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни 2 бараварга ошириш ҳисобига 100 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Бу борада келгуси йилда Хатирчи, Кармана, Навбахор, Қизилтепа ва Нуротадаги 72 та маҳалла атрофидаги 5 минг гектарда сув таъминотини яхшилаб, узумзор ва мевали боғлар барпо этишга 4 миллион доллар йўналтирилиши айна муддао бўлди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Нурота, Хатирчи ва Навбахордаги бўш биноларда моно-марказ ташкил этилади. Камида 5 минг ёшлар замонавий касбларга ўқитилади. Қолаверса, келгуси йилда саноатда 186 та лойиҳа амалга оширилиб, 15 мингта янги иш ўрни яратилади.

Уй-жой ипотекаси учун 100 миллиард сўм субсидия ажратилади.

Бундан беш-олти йил муқаддам ижтимоий соҳадаги оғир муаммолар дейилганда, авваламбор, аҳолини уй-жой билан таъминлаш тилга олинади. Болалар боғчаси, мактаб, тиббиёт масканлари ҳам етишмас, мавжудлари таъмирга муҳтож эди.

Кейинги йилларда вилоят улкан қурилиш майдонига айланди. Аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида мавжуд ижтимоий соҳа объектлари қайтадан таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди.

Нафақат шаҳар марказларида, балки чекка-чекка ҳудудларда ҳам янги мактаб ва боғчалар барпо этилиб, аҳолини уй-жой, ичимлик суви билан таъминлаш, маҳаллада яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган муайян ишлар қилинди.

Навоий бир-биридан гўзал биноларни, салобатли иншоотлари ҳамда фусункор боғу хиёбонлари билан бугун кўркам қиёфа касб этди. Худуд замон билан ҳамнафас ўзгаришлар ва бунёдкорлик оғушида. Бу янгиланишлар халқимизнинг тинч ва фаровон тур-

муш кечиршига, одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашларига хизмат қилмоқда.

Эндиликда бу борадаги бунёдкорликлар кўлами янада ошади. Уй-жой таъминоти аҳоли фаровонлигининг муҳим мезонларидан бири бўлгани сабабли келгуси йилда уй-жой ипотекаси учун 100 миллиард сўм, 50 та янги боғчага 5,5 миллиард сўм субсидия ажратилади. Учқудукдаги иссиқлик тизимини янгилашга эса 51 миллиард сўм, Ғозгон ва Навоийда 2 та электр подстанцияси қуришга 143 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, 11 та мактабга қўшимча бино, 33 та мактабга спорт зали қуриш лойиҳасини келгуси йил давлат

рали ишлатиш тизими йўлга қўйилади.


Иккинчи ташаббус – "Яшил макон" лойиҳасини амалга оширишда вилоят намунавий ҳудудга айлантирилади. Айна мақсадда барча фермерлар томонидан дала четларига тут ва узум экиш тизими йўлга қўйилади. Вилоятнинг 330 маҳалласи ва хонадонларда райхон ва ялпиз экиш, қайта ишлаш ва сотиш намунавий тизими яратилади.

Шунингдек, яйловларни ишга солиш орқали эчкичилик ва қўйчиликни кескин ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Вилоятга 200-300 минг бош эчки ва қўй олиб келинади ва алоҳида дастур ишлаб чиқилади. Умуман, вилоятни ишсизлик ва камбағаллик тўлиқ бартараф этилган ҳудудга

ма соҳаларда фаол. Бу йил олий ўқув юртларига кириш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллашди. Халқаро фан олимпиадалари, нуфузли мусобақалар ғолибларининг ҳам кўпчилиги Навоийдан.

Жорий йилда уюшмаган ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 50 миллиард сўм маблағ берилиб, 13 минг 700 нафар йигит-қиз ўз йўлини топган. 1 минг 600 гектар экин майдони ажратилиб, 6 мингдан зиёд ёшлар бандлиги таъминланган. Шароити оғир талабаларга 6,5 миллиард сўм контракт пуллари тўлаб берилди.

Фарзандларимизнинг ютуқлари, албатта, ҳаммамизни ғурурлантиради. Зеро, ўз мақсадларига етишда дадил ва



дастурига киритилади. Келгуси йил Учқудукда 78 километр сув тармоғи қуриш лойиҳасига 100 миллион доллар жалб қилинади.

2023 йилда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўшимча 655 миллиард сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга яна 750 миллиард сўм ресурс ажратилиши халқни рози қилиш, инсон кадрини улуглашдек эзгу мақсадга қаратилган.

Тоза ичимлик суви, ички йўлларнинг таъмирталаб эканлиги кўпчилик туман-у қишлоқларда, айниқса, энг чекка ҳудудларда яшайдиган аҳолини қийнайдиган муаммолар бири саналади. Шу сабабли аграр соҳа, ичимлик суви ва автомобиль йўллари лойиҳаларига қўшимча 180 миллион доллар жалб қилинади. Бунинг натижасида кўплаб оилалар, хонадонларга қувонч, шодлик қиради, одамлар фаровон турмуш кечиради.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бандлигини таъминлаш, фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, келгуси йили 240 минг аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Бу орқали қанчадан-қанча ёшлар ишли бўлади, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унум бўлади.

**Аниқ таклиф ва амалий  
ташаббуслар**

Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши сессиясида Президентимиз Навоий вилоятини республиканинг намунавий ҳудудига айлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди.

Биринчи ташаббус – вилоят электр энергиясини тежаш бўйича намуна бўлади. Бунинг учун барча ташкилотларга 100 фоиз қуёш панеллари ўрнатилади. Барча сув насосларини сама-

айлантириш учун барча чоралар кўрилади.

Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш учун келгуси йилда 26 та маҳаллий саноат маркази ва кичик саноат зоналари ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари учун 600 миллиард сўм йўналтириш вазифаси қўйилди.

Саноат соҳасида келгуси йилда 186 та лойиҳани амалга ошириб, 15 мингта иш ўрни яратиш чоралари белгиланди. Бу импортни қисқартириб, экспортни 250 миллион долларга етказишда муҳим омил бўлади.

Хатирчи, Кармана, Навбахор, Қизилтепа ва Нурота туманларидаги 72 та маҳалла картошка, сабзавот, узум ва анор етиштиришга ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари бу имкониятларни кенгайтириш учун мазкур маҳаллалар атрофидаги 5 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш зарурлигини билдирди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ишсиз ёшлар, хотин-қизлар маҳалланинг ўзида иш билан таъминланади.

**Вилоят тажрибаси  
яратилади**

Президентимиз қаерга бормасин, кўпроқ ёшлар билан учрашишга, уларнинг дарду ташвишларини эшитишга ҳаракат қилади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Агар давлат ташкилотлари, барча даражадаги раҳбарлар ёшлар масалалари билан мукамал шуғулланмас экан, бу марраларга эришиб бўлмайди.

Навоийлик ёшлар иқтидорли, ҳам-

доим янгиланган сари интилувчи ёшлар бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир. Улар бизга куч беради, ифтихор бағишлайди.

Демак, бугун катта умид, орзу-мақсадлар билан Ватаним тараққиётга ҳисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган ёшларни кўллаб-қувватлаш энг долзарб масалалардан биридир. Шу боис, Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг фикрлари, таклифларини эшитди.

Йигит-қизларнинг меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўрганиши ва иш топишига ёрдам берувчи янги платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди. Қолаверса, саноат зоналарига ёшларни жалб этиш, яйловларга сув чиқариб, чорвачилик ташаббусларини Тадбиркорлик жамғармаси орқали кўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Навоий шаҳрида ихтисослашган спорт мактаби ва маҳаллаларда спорт тўғараклари ташкил этиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, Ёшлар жамғармасидан вилоятдаги 325 та мактабни китоб ва мусиқа асбоблари билан таъминлаш, маданий тадбирларни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича Навоий вилояти тажрибаси яратилиши белгиланди. Бу тизимнинг асосий мақсади ёшларни маънавий-маърифий ривожлантириш, бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдир.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи том маънода тарихий воқеа бўлди, дейишга барча асослар етарли. Зеро, ушбу ташриф худуд ахлининг кайфиятини кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Ҳар бир ёшга, тадбиркорга бекиёс куч-қувват бағишлади, янги лойиҳаларга илҳомлантирди.

Абдулла РЎЗМЕТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



*Давлат тилини ривожлантириш фақат тилишунослар, шоир ёки ёзувчиларнинг иши эмас, балки мана шу юртда яшаб, шу юртнинг чангини ютиб, сувини ичиб, тузини тотиб яшаётган ҳар бир инсоннинг вазифаси ҳисобланади. Оддий деҳқон бўлайлик ёки курувчи, қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, давлат тилининг ривожини учун ҳисса қўишимиз шу Ватан, шу халққа бўлган фарзандлик бурчимиздир. Хўш, бу нимадан бошланади?! Она тилимизга ҳурмат биринчи галда унга ҳурмат-эҳтиромдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ўзбек тилининг мавқеини, унинг фармацевтика соҳасидаги орни ва нуфузини янада ошириш мақсадида кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда.*

## ОНАДЕК АЗИЗ ТИЛИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси «Давлатнинг аҳолини асосий дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш соҳасидаги кафолатлари» белгиланган. Бунда давлат асосий дори воситалари, шунингдек тиббий буюмлар олиниши имкониятини ва уларнинг сифатини кафолатлайди. Сифатини таъминлаш учун Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини, сифати назорат қилинишини, стандартлаштирилишини ва сертификатлаштирилишини амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази (кейинги ўринларда Давлат маркази деб аталади) — Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш, сифат назорати, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни амалга оширадиган ишчи органи сифатида фаолият кўрсатади

Рўйхатдан ўтказиш Давлат маркази томонидан коърсатилган муддатларда дори воситаларини тиббиётда қўллаш боъйича йўриқномаларни ёки уларга киритилдиган ўзгартиришларни келишади ва тасдиқлайди.

Давлат маркази томонидан Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

Давлат реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

дори воситасининг савдо номи (доривор ўсимлик хом ашёсининг номи, доривор ўсимликнинг биноминал илмий номи, ўсимлик қисмлари номи, бошқа номлар (бошқа фармакопеяда кўрсатилган синонимлар) билан берилди);

тиббий буюм ва тиббий техника-

нинг номи;

дори воситасининг халқаро патентланмаган номи, дорининг шакли, дозаси, чиқарилиш шакли;

ишлаб чиқарувчи давлатнинг номи;

ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чикувчининг) номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлати;

дори воситаларининг фармакотерапевтик гуруҳи, АТС (АТХ, АТК) (анатоми-терапевтик-кимёвий) коди;

тиббий буюм ва тиббий техниканинг қўлланилиш соҳаси;

гувоҳнома рақами;

гувоҳнома берилган сана;

гувоҳномага ўзгартириш киритилган сана.

Алоҳида таъкидлаш керакки, дори воситалари истеъмол маҳсулоти бўлганлиги учун, ҳукумат томонидан тасдиқланган тартиби бўйича дорихоналардан дори воситаси ва тиббий буюмни бериш пайтида дорихонанинг фармацевтик маълумотга эга бўлган ходими дори воситаси ва тиббий буюмни сотиб олувчига дори воситаси ва тиббий буюмни қўллаш тартиби, хусусан, қўллаш даврийлиги, бир маротабалик ва суткалик дозалари, қўллаш усули, сақлаш тартиби, яроқлилиқ муддати ва бошқалар ҳақида маълумот бериши лозим.

Дорихона ходими дори воситаси ва тиббий буюмни сотиб олувчининг эътиборини дори воситаси ва тиббий буюмнинг қўллаш йўриқномаси билан диққат билан танишиб чиқишга қаратиши керак.

Давлат рўйхатдан ўтиш жараёнида барча дори воситалари ва тиббий буюмларнинг (шу пайтгача ўн мингдан ошиқ) дори воситаси ҳамда тиббий буюмларнинг қўлланилишига доир йўриқномалар давлат тилида тасдиқланган ёки маъқулланган. Бу эса, халқимиз давлат тилида барча дори воситалари ва тиббий буюмлар тўғрисида тушунарли ва аниқ маълумотига эга бўлади.

Хусусан, мамлакатимиз тарихида илк бор чоп этилган фармацевтика фанлари доктори, профессор Жалилов Ҳабибулла Каримович бош муҳаррирлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат фармацевтикаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

“Жаҳон фармакопеялари ва фармакопея органлари индекси”дан ўрин олгани соҳада эришилган катта ютуқ бўлди.

Фармакопея — бу алоҳида мамлакатда ёки маълум бир худудда ишлатилдиган дори воситалари сифатини таъминлаш учун қонунан рия этилиши шарт бўлган стандартлар тўплами бўлиб, замонавий фармакопеяларинг асосий вазифаси дори воситалари сифатига умумий талабларни, шунингдек фаол фармацевтика субстансиялари, тайёр дори воситалари, ёрдамчи моддалар, реактивлар, реагентлар ва шу кабиларга хусусий сифат стандартларини белгилашдан иборатдир. Бундай талабларни белгиланиши дори воситаларини ишлаб чиқариш назоратини бошқариш учун зарурдир. Бугунги кунда амалда бўлган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Жаҳон фармакопеялари ва фармакопея органлари индекси” рўйхатида 57 та мамлакат, жумладан 3 та худудий фармакопея органлари (Европа иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Африка мамлакатлари) ва 1 та ЖССТ (халқаро фармакопея) акс этирилган бўлиб, 2021 йил декабр ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу индексга киритилди. Давлат фармацевтикаси нашрга тайёрлаш борасида Европа фармакопея комиссиясининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Европа фармакопея комиссияси таркибига кузатувчи сифатида киритилган бўлиб, Европа фармакопея комиссиясининг 2019 йил 20 мартдаги 163-сессияси қарорига асосан “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК билан Европа фармакопея комиссияси ўртасида “Ўзбекистон Республикаси Давлат фармацевтикаси яратишда Европа фармакопеяси матнларини нусхалаштириш ва уйғунлаштириш ҳуқуқини тақдим қилиш тўғрисида”ги келишув имзоланди. Давлат фармацевтикасининг 1-нашри, 1-жилди 2 қисмдан иборат бўлиб, у 5 та бобда жамланган жами 334 та бўлимларни ўз ичига олган. Давлат фармацевтикаси 1-жилдининг умумий ҳажми деярли 2500 саҳифадан иборат.

Тиббиёт илмининг асосчиларида бири Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида кеттирилган қўпгина дорилар фармакопеяда ҳозиргича қўлланади. Хусусан, “Тиб қонунлари”нинг иккинчи ва қисман учинчи китоби фармакопеяга бағишланган бўлиб, унда мураккаб таркибли дори дармонларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари ёритилган. Ҳозирги кунда ҳам оз аҳамиятини йўқотмаган ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат фармацевтикасида ҳам ўрин эгаллади.

Фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларга, шу жумладан, Ўзбекистон фармацевтика бозорида фаолият юритаётган хорижий мутахассисларга ҳам қўлайлик яратиш, қолаверса Давлат фармацевтикаси матнлари нафақат лаборатория таҳлилларида, балки кенг миқёсида дори воситалари муомаласини ташкил қилувчи барча босқичларда фойдаланилишини инобатга олган ҳолда, Давлат фармацевтикасини бир вақтнинг ўзида мос равишда рус тилида ҳам нашр этилди. Унинг чоп этилиши мамлакатимиз фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётган барча мутахассислар учун унитилмас воқеа бўлди. Бундан ташқари чет эллардаги ҳамкорларимиз, хусусан Европа дори воситалари ва соғлиқни сақлаш сифати директорати, Европа фармакопея комиссияси, шунингдек Евроосиё иқтисодий иттифоқи фармакопея кўмитаси томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва ижобий баҳоланди. Давлат фармацевтикасини ЖССТ жаҳон фармакопея ва фармакопея органлари индексига киритилиши, уни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган таҳририят кенгашининг юқори малакали мутахассислари томонидан амалга оширилган ишларни халқаро миқёсидаги эътирофидир. Унинг давлат тилида чоп этилиши эса соҳа ривожини, тараққиётдан дарак беради.

**Мухаббат ИБРАГИМОВА,**  
**Фармацевтика тармоғини**  
**ривожлантириш агентлиги**  
**директори маслаҳатчиси**





## (Боши 1-саҳифада)

Мактаблардаги бошланғич синф ўқитувчилари боғча таълимини олган боланинг ўзлаштириши яхши бўлиши, қисқа вақтда қийналмай савод чиқариши, бошқаларга нисбатан интилувчан ва қобилиятли бўлиши ҳақида гапирганларида эса боласини боғчаларга бера олмай мактаб ёшига етказиб қўйган ота-оналарнинг хо-

нишмасин ўз тарбияланувчиларини бу дастур орқали сира ҳам йўқламадан ўтказиша олмаётгани, бунинг натижасида эса анчагина моддий зарар кўриб, боғчаларини ёпиш истагига келиб қолганликларини айтишмоқда. Аввалига не-не орзу умидлар билан Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очиб, энди бўлса қаттиқ тушкунлик ва умидсизликка тушган бир неча юртдошимиз билан суҳбатда бўлдик ва уларнинг муам-



# ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАР ЁППАСИГА ЁПИЛИШ АРАФАСИДА

## Тегишли вазирликлар қачон уйғонади?

лини яна бир қур кўз олдингизга келтириб кўринг энди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб, бу соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида бир неча қарор ва фармонлар қабул қилиниб, халқимизни қийнаб келаётган яна бир муаммога ечим топилди.

Давлатимиз кўмаги ва қўллаб-қўллаган асосида хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилиб, қанчадан-қанча болаларни ўз бағрига чорлади. Юртдошларимизга берилётган бу каби имкониятларни кўриб қўпчиликда мазкур соҳага қизиқиш уйғонгани ҳам ҳақиқат. Ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам кундан-кунга янгидан-янги мактабгача таълим ташкилотлари очилиб, одамларнинг кўнгли ёришди. Янги иш ўринлари яратилиб, қўллаб-қўллаган хотин-қизлар ишли бўлди. Ўзининг хусусий боғчасига эга бўлган юртдошларимизнинг қувончини айтмайсизми. Ўзгача ғайрат ва шижоат билан ишлай бошлашганди. Аммо сўнгги вақтларда айрим ҳудудлардаги хусусий боғча очган мана шундай юртдошларимизнинг кайфияти негадир ўзгариб қолди. Нега дейсизми? Унда диққат билан мақоланинг давомини ўқинг!

Хабарингиз бор, мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг сонини назорат қилиш ҳамда уларни ҳар кунлик давомати билан танишишда шаффофликка эришиш мақсадида Emis дастури йўлга қўйилган бўлиб, барча мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ва ҳар бир тарбияланувчи тасвирга олиниб, ушбу дастур орқали ҳақиқатдан ҳам боғчага келаётгани туман мактабгача таълим бўлимлари томонидан тасдиқланиши белгиланган эди.

Аммо ушбу тизимга ўтилганига анча вақт бўлган бўлса-да, юртимизнинг барча ҳудудларида Emis дастури бирдек ишламаётгани кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Баъзи бир мактабгача таълим ташкилоти ходимлари айрим вақтларда қанча ури-

моларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мунаввар АМИНОВА (Наманган вилояти):

— Мен Наманган вилоятидаги иккита давлат шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти таъсисчисиман. Ҳар куни 350 нафар болани Emis дастури орқали расмга олишимиз керак. Ҳар куни шунча бола қатор туриб навбат кутади. Тўғриси жуда қийналиб кетдик. Шу кунга етиб келгунча миллиардлаб ҳаражат қилиб қўйганмиз. Қушимиз эса фақат расмга олиш билан ўтди.

Ҳар куни тарбияланувчиларни турли йўллар билан (камерага қаратиб кулдириб, қулоқларини ушлатиб, тилларини чиқартириб, камерани яқинроқ, узоқроқ тутиб) Emis дастури орқали йўқламадан ўтказишга уринамиз. Тўғри, бу ҳаракатларимиз бизнинг фаолиятимизга бегона бўлган одамларга қулгили туюлиши, баъзиларнинг эса ғашига тегиши аниқ. Фарзандларини олиб келаётган баъзи бир ота-оталарнинг юз ифодаларидан бунга кўп бор гувох бўлдик. Айримлари болани бунга қилиб қийнашнинг нима кераги бор, деб очикчасига зарда қилиб ҳам кетишади. Лекин нима қилайлик шу йўл билан тарбияланувчиларнинг йўқламасини бошқармага юбормасак, сизнинг мактабгача таълим ташкилотингизга бу ойда тарбияланувчилар кам келган экан, деб ходимларимизнинг маошидан ушлаб қолишяпти. Emis дастурининг яхши ишламаслигига сабаб чекка ҳудудларда интернет сифатининг яхши эмаслиги билан боғлиқ бўлса керак деб ўйлагандик. Аммо боғчаларимизга WiFi ўрнатганимиздан кейин ҳам бу муаммо бартараф бўлмади. Экрanga “Тизим билан боғлиқ хатолик бор” деган ёзув чиқаверяпти.

Хурниса СИДДИҚОВА (Фарғона вилояти):

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг бир қисмига

айланиш ва туманимизда етишмаётган мактабгача таълим муассасаларининг ўрнини тўлдириш, ўзимни эса, иш билан банд қилиш мақсадида ўзимиз яшаб турган хонадонда давлат шерикчилиги асосида оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этдим. Бу орқали маҳалладаги икки нафар ишсиз аёлни иш билан таъминладим. Бошида бу ишларни йўлга қўйиб олишда турли қийинчиликларга ва бюрократик тўсиқларга дуч келдим. Аммо барчасини енгиб ўтдим. Муассасамиз уч ярим йилдан буён иш фаолиятини юргизиш келаётган эди. Аммо, 2022-йил май ойидан бизнинг тадбиркорлик фаолиятимизга аралашувлар сони ва унга тўсқинлик қилаётган давлат органларининг ноқонуний ҳаракатлари ортди.

Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан ОНМТТмизнинг шу кунгача тўланмай қолган даромад солиғи учун деб яқка тартибдаги тадбиркорлигимизнинг банкдаги ҳисоб рақамига болалар озиқ-овқати учун тушган субсидия пуллари ҳамда ходимларнинг ойлик маошлари учун белгиланган маблағ ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ечиб олинди. Оқибатда, ходимларнинг маоши ва болаларнинг озиқ овқатини таъминлаш мақсадида қарз олишга мажбур бўлдим.

Аниқроқ айтадиган бўлсам мен ташкил этган “БУЛБУЛЧА” номидаги ОНМТТдан 2021-йилдан 2022-йилнинг август санасигача бўлган муддат учун 7 586 544.14 сўм (етти миллион, беш юз саксон олти минг, беш юз қирқ тўрт сўм ўн тўрт тийин) даромад солиғи, шундан май ойи учун 352 904,78 (уч юз эллик икки минг, тўққиз юз тўрт сўм, етмиш саккиз тийин) даромад солиғи ундирилган. Нима учун бунча пул ечиб олинганини сўраганимда эса ОНМТТ ташкил этилганидан буён умуман даромад солиғи тўланмагани ва бир қанча маддат ичида тўланмаган солиққа 906 781,85 (тўққиз юз олти минг етти юз саксон бир сўм

саксон беш тийин) пеня ҳисобланганини айтишди.

Бу бўйича мен туман прокуратура органининг иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига оғзаки ариза билан мурожаат қилдим. Афсуски департамент ҳам бу ҳолат бўйича менинг тадбиркорлик ҳуқуқларимни таъминлаб бермади. Бунинг оқибатида мен бошқараётган ОНМТТ май ва июл ойлари учун ажратилган болалар озиқ-овқати ҳамда ходимларнинг маошлари учун маблағсиз қолди.

Мен ўз тадбиркорлигимни бошлашдан аввал Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ” тўғрисидаги қароридан “Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини амалга ошира бошлагандан кейин ўн йил мобайнида барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин” деган бандни ўқиганлигим учун бемалол эдим. Агар мен ушбу қарорнинг моҳиятини тўла тушунмай хатоликка йўл қўйган бўлсам, ҳисобимдаги маблағ ечиб олинишидан аввал огоҳлантирилишим, пеня қўшилаётганидан хабардор этилишим керак эмасми?

Ҳали бу муаммолардан қутулмай туриб Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган болалар ва ходимлар давоматини амалга оширувчи дастур бўйича муаммолар ҳам вужудга келди. Ўзи шусиз ҳам икки ойлик субсидиялар ва ходимларимнинг иш ҳаққини тўлолмаганим етмаганидек, бу дастурдаги хатоликлар оқибатида ходимлар маошини яна тўлаб беролмайдиган ҳолатда турибман. Бу дастур, айниқса, интернет яхши етиб бормаган туманларда ишлаши қийин кечмоқда. Шу ўринда менда табиий савол туғилади: Emis дастурини тизимга татбиқ етишдан олдин бу бўйича Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ҳудудларнинг интернет билан яхши таъминланганлиги бўйича тадқиқотлар ўтказилганми? Бу дастурнинг тўлиқ ишлашини назорат қилиш вазифаси юклатилган вазирлик бу борада қандайдир иш қилганмикин. Мен тадбиркор сифатида боғча очганман ва бундан фойда олишим керак, лекин ҳали ҳеч қандай даромад қилмай зарарга ишлаяпман. Бунга сабаб эса



тизимдаги раҳбарларнинг ўз ишларига совуққонлик билан ёндошуви деб биламан.

Аслида, Президентимиз қарорида кўзда тутилган жуда кўп пунктларнинг қоғозларда қолиб кетиши оқибатида мен каби тадбиркорликка эндигина қўл урган одамлар айниқса, чекка туманлар ва қишлоқлардаги тадбиркорлар бошлаган ишидан ҳеч қандай манфаат кўраётгани йўқ. Бизни қийнаётган бу муаммоларни ҳал қила оладиган ва янги давомат қилишнинг электрон шаклини мукамал ва хатоларсиз, ҳодимлар ва болаларнинг асабини бузмайдиган қилиб ишлаб чиқса бўлмасмиди? Бу дастурнинг носозлиги ва яхши ишламагани оқибатида мен ходимларимнинг икки ойлик маошини қандай қилиб тўлар эканман, деб бошим қотган.

Замон талаби ҳар жабҳада электронлашувни талаб этмоқда. Эртами-кечми бари бир бундай янги дастурлар, иловалар ҳар бир йўналишга кириб бориши, шубҳасиз. Бирок бу янгиликлар халқимизга фойдали бўлиши, кўплаб қоидабузарликларнинг олдини олиши учун татбиқ этилмоқда. Юқоридаги мурожаатчимиз томонидан айтилган қарорда ҳозирда муҳокама қилинаётган камчилик ва муаммолар юзага келиши олдиндан тахмин қилингани боис “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2022 йил 15 августга қадар:

а) Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иловада кўрсатилган вазирликлар ва идораларнинг тегишли маълумотлари НМТТБАТ-

га «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилишини таъминласин.

Бунда 5-иловада кўрсатилган вазирликлар ва идоралар раҳбарларига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро платформасига интеграциялашувини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин;

б) НМТТБАТнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари жойлашган ҳудудларда мобил интернет тармоғи узлуксиз ва сифатли ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин.” деб аниқ ва тушунарли қилиб ёзиб қўйилган. Аммо кўриб турганимиздек, бу вазирликлар то-

монидан ҳамма масала ўз ҳолига ташлаб қўйилгандек.

Юқоридаги мурожаатчиларнинг айтишича, бу камчиликлар аллақачон туман бошқармаларига маълум қилинган бўлса-да, бирор чора кўрилмаган. Вазирликларга мурожаат қилишга эса руҳсат беришмаётган эмиш.

Мана энди бу масала матбуот саҳифасида ёритилиб, тегишли вазирликлар хабардор бўлгач қандай муносабат билдиришар экан, биргаликда кузатамиз.

Яна бир гап: кўплаб юртдошларимиз мактабгача таълим вазири бирор марта журналистлар билан очиқ мулоқот қилмагани, доимо ўзини матбуотдан олиб қочишини такрорлашмоқда.

Камолиддин  
РЎЗИМАТОВ

Таҳририятга хат

# Қадрдонимсан, газета

*Охирги вақтларда, ижтимоий тармоқларни босма нашрларнинг бугунги кунда керак ёки керак эмаслиги билан боғлиқ жавобсиз саволлар қуршаб олган. Кимдир газета ўқишга маънавий эҳтиёж сифатида қараса, яна бошқаси уни ўқимаслигини айтиб, фикрини асослашга уринади. Ҳаттоки, газетани ёлгонларга тўла оммавий ахборот воситаси, дея ҳақоратлашгача ҳам боришади. Интернет эркин минбар дейишганлари шу бўлса керак-да. Ҳар ким оғзига келганини гапирди. Эркинликнинг ҳам чек-чегараси борлигини унутиб қўйишади. Беш қўл баробар бўлмаганидек, одамлар ва уларнинг ўй-хаёллари, фикр-мулоҳазалари ҳам турлича. Аммо, шуни биламанки, газета — маърифатга ошно инсонларнинг яқин дўсти, уларга тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ. Ижод аҳлининг эҳтиромга ташна қалбига нур ва зиё таратувчи — чироқ.*

Инсонларнинг қизиқишлари уларнинг қарашлари сингари хилма-хил бўлади. Бугун қайсидир тенгдошим шифокор бўлиш орзусида, дарсликларни варақлашга мук тушса, мен журналист бўлиш йўлида кунни тунга, тунни кунга улаб, ижод қиламан. Долзарб мавзуларда мақолалар ёзиш ҳаракатидаман. Тил ўрганаман. Қараб турибсизки, куним олдимга қўйган мақсадларга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатлардан иборат. Англадимки, кимлардир қўлига тутишга оғринадиган газеталарни нашр етиш, унинг мавқеини сақлаб қолиш, мухбирларнинг барча учун фойдали ва қизиқарли мавзуларда қалам тебратишига эришиш осон кечадиган иш эмас. Ора-сирада, ҳафта давомида чоп этилган газета ва журналларни кўздан кечиришга, уларнинг мазмун-мундарижаси билан танишишга интиламан. Ўз фикри ва услубига эга бўлган нашрларни эринмасдан варақлаб чиқаман. Қизиқарли мақолаларни ўқишдан бебаҳра қолмасликка ҳаракат қиламан. Соҳавий нашрларнинг умумий мавзуларни ёритиш билан чекланиши мени ўйлантиради.

Илк бор “Жамият” газетасига мактабимиз кутубхонасида кўзим тушган эди. Ўшанда, ундаги ўқувчини ўзига жалб эта оладиган мақолаларни ўқиб, кейинги сонни муштоқлик билан кута бошладим. Чунки, ҳар бир сонда, “теша тегмаган” мавзулардаги бетакрор чиқишлар мени ўзига оҳанрабодек тортарди-да. Шу бўлдики, газетанинг янги сони қачон чиқишини пойлаб, кутубхона эшигини қоқадиган одат чиқардим. Аъло даражадаги дизайн газетанинг мазмун-моҳияти билан уйғунлик ҳосил қилар ва бу менинг кўз ўнгимда, матбуотнинг асл қиёфаси гавдаланишида муҳим роль ўйнади. Ўқув йили давомида, ушбу нашрни кузатдим. Кутубхонада мавжуд бўлган барча

сонларни ахтаришга киришдим. Афсус, қувончим узокқа бормади. Янги ўқув йили бошланиб, “ЖАМИЯТ” биз ўқиётган мактабга келтирилмаётганлигини пайқадим. Суриштирсам, бизнинг кутубхонамиз газетасига обуна қилинмаган эмиш. Хўрсиндим. Салкам, бир йил давомида, яқин ҳамроҳимга айланган нашр, энди менинг қўлимга етиб келмайди. Синфимиз билан бирлашиб, обуна мавсуми учун йиғган пулларимиз қаерга сарфланганига ҳайрон бўлдим. Ҳеч бўлмаганда, қайси газетасига обуна бўлишни биздан сўрашганига ўқиндим. Орадан бир муддат ўтиб, мураббийларимизнинг севимли нашримга бефарқ эмасликларига гувоҳ бўлдим. Январ ойидан бошлаб, кутубхонамизга “ЖАМИЯТ”ни почтачи амаки етказиб бера бошлади. Қадрдонимни бизнинг таълим мақсатимизга етиб келишига сабабчи бўлганимдан хурсанд эдим. Энди яна, сўзи тафаккурга юқадиган саҳифаларни ўқишдек завқли имкониятига эга эдим.

Буларни бежиз ёдга олмадим. Аслида, воқеа газета муштарийсининг содиқлик деб аталмиш кичик бир сифатини кўрсатиб берган эди, холос. Бугун мақолаларим суюкли нашримнинг саҳифаларидан ўрин эгалламоқда. Ҳаётнинг турфа жабҳаларидан олган таассуротларим натижасида юзага келган чизгилар бўй кўрсатмоқда. Шуни учун айтишарканда, газета ёки китоб ўқимайдиган инсондан ижодкор чиқмайди, деб.

Қадрли “Жамият”! Тарих учун қисқа фурсат бўлса-да, 16 йиллик ўтмишни, залворли йўлни босиб ўтдинг. Шу вақт мобайнида, ижод гулбоғида сайр этишни истаган қалби уйғоқ инсонларни атрофингда жипслаштира олдинг. Муҳими, мадҳиябозликка йўғрилган мавзуларга саҳифа-

ларингдан жой ажратишга андиша қилдинг. Ғуруринг устун келди. Виждонинг йўл қўймади. Адолат барқарор бўлишини, кишилик жамиятида тенгсизликка барҳам берилишини исташинг сийратингда ўз аксини топди. Баъзида, чиқиш ёки чиқмаслигинг даргумон пайтлар ҳам бўлди. Шунда, ҳар бир қатингда шонли меҳнат ва минглаб қалбларни асир қилиш орзуси яширин эканлигини яна бир бор пайқадим. Бугун матбуотнинг кучидан кўра, ожизлиги тарозининг оғир палласида бўлишини айтаётган биомассалар, эртага ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетишидан, ўзининг ожиз ва нотавон эканлигини англаб етишганида кеч бўлишидан кўрқаман.

Марказий нашрлар орасида, юқори поғоналарда тилга олинаётганинг эса тиниб-тинчимас ижодкорларнинг меҳнатлари бесамар кетмаётганидан далолат. Бир сўз билан, барчани газета мутолаасига бефарқликда айбашдан йироқдаман. Хабарлар ўз эгасин топарлар, дейишади. Сени бундан буёғига медиа маконда олға одимлашингга ҳеч шубҳам йўқ. Чунки, сифатли маҳсулот, рекламасиз ҳам талайгина харидорларга эга бўлиши ҳаётий ҳақиқат-ку!


Журналистиканинг олтин қондаси, ҳақиқатни бир томонга бўйин товламасдан ҳаққонийларча ёритиш ҳисобланади. Сен бу борада етакчисан, катта тажрибага эгасан.

Эй, қадрдоним, сенинг матбуот дунёсида юқори мавқега эгаллигинг бир муҳлис сифатида мени фахрлантиради. Мен эса, сени қаламимни ўтқирлаган даргоҳ, дея тилга олишдан ғурурланаман!

Улугбек ШАРОБИДИНОВ.  
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати аъзоси.



## МУЛК ҲУҚУҚИ ВА ДАХЛСИЗЛИК



Маълумки, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиши ҳуқуқидан иборатлиги ва мулк ҳуқуқи муддатсиз эканлиги, 166-моддасида мулк дахлсизлиги ва қонун билан қўриқланиши, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатлиги, мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишига, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилиши назарда тутилган.

Шу ўринда айтиш жойизки, хусусий мулкнинг давлат томонидан қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдан туриб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш қийин кечиши жаҳон амалиётидан яхши маълум.

Президентимизнинг 2022 йил 28 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармон мазмун-моҳияти билан яқиндан танишадиган бўлсак, унда бир қатор ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Унга кўра, хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевожуба ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулк муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи кўйидаги тартиблар, талаблар ва чекловлар 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилинди.

I. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш соҳасида: ер участкаларига бўлган ҳуқуқ-

нинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно экани таъкидланган.

Ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан расмийлаштиришда ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

Юридик шахс тугатилиши муносабати билан унинг ер участкасига (қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш. Бунда, ушбу ҳуқуқлар юридик шахс муассисларига (иштирокчиларга), агар қонунчиликда, таъсис ҳужжатларида ёки муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача шартлар назарда тутилмаган бўлса,

уларнинг юридик шахсдаги улушига (қўшилган ҳиссасига) мутаносио равишда ўтказилади. Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлат мулкидаги бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш, бундан кўп квартиралар уйларда жойлашган турар жой объектлари мустасно, деб кўрсатилган.

II. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида:

турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, бундан тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган ҳолатлар мустасно ҳисобланади.

Шунингдек, суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш;

жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида – мулк ҳуқуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни ушбу ҳужжатни қабул қилган ёки юқори турувчи маъмурий орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ҳуқуқларни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш

ҳолатлари мустасно эканлиги таъкидланади.

III. Корпоратив муносабатлар соҳасида:

давлат органлари томонидан давлат иштирокидаги корхоналар мол-мулкни тасарруф этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиёти. Бунда, хўжалик жамиятининг устав фондидаги (капиталидаги) давлат улушига (акцияларига) эгалик қилувчи давлат органлари улушдор (акциядор) сифатида қарорлар қабул қилишни (овоз беришни) юқори турувчи давлат органи билан ёзма тарзда келишиб олиши мумкин.

Фуқаролик судларида мол-мулкни ўзганинг ноқонуний эгаллигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан даъвогарлар (давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно) давлат божини тўлашдан озод қилинади, бунда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ундан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда давлат божи ундириш назарда тутилади.

Албатта, жамоатчилик, хусусан, мулкдорлар мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини яхши билиши ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қила олишига асос бўлади.

Санжар СОЛИЕВ,  
Самарқанд вилоят маъмурий судининг судьяси

Мана шундай озод ва обод Ватанда яшаи, меҳнат қилиш нақадар тотли. Мамлакатимиз аҳли ҳадемай яна бир байрам – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг миқёсда нишонлашади. Бахтимиз қомуси ўтган йиллар давомида ўзлимизни, ҳақ-ҳуқуқларимизни танитди. Унда белгиланган моддаларда барча ҳуқуқларимиз ўз ифодасини топган.



## “ПОРЛАЙВЕР, БАХТИМ ҚУЁШИ”

Учқўрғон туманидаги 17-давлат мактабгача таълим ташкилотимизда ҳам мазкур байрамга бағишлаб “Порлайвер, бахтим қуёши” мавзусида тадбир ўтказилиб, унда болажонлар конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида бийрон-бийрон сўзлаб, ҳар бир моддани шеърӣ мисралар орқали талқин этдилар. Ёзоза Эркинпўлатова, Муҳаммадазиз Усмонжонов, Мустафо Одиров, Улуғбек Ҳакимжонов сингари болажонларнинг чиқишларидан ота-оналар ҳам

беҳад хурсанд бўлишди.

-Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиб турилиши туфайли болажонларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари ошиб бормоқда, - дейди мактабгача таълим ташкилоти директори Маҳбубахон Чўлпонова. – Бугунги бахтимиз қомусига бағишланган байрам тадбири эса унутилмас онларга бой бўлди.

Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби,

ирқи, миллати ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар тенг ҳуқуққа эгадирлар, деб ёзиб қўйилган. Шундай экан, озод ва обод Ўзбекистонни севмаслик, соғинмаслик, кадрламаслик, унга меҳр қўймаслик, у билан фахрланмаслик, зарур бўлса, унинг шаънини ҳимоя қилмаслик мумкин эмас. Ватан ҳамиша бизга куч ва ҳарорат бағишлаб туради. Бу – бизнинг муқаддас ва азиз Ўзбекистонимиздир.

Шоҳидахон ЁҚУБОВА,  
Учқўрғон туманидаги 17-давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси.

Тадбир





*Ўзбекистон Давлат Гербидаги бошини баланд кўтарганча қанотларини кенг ёзиб, юртни қучиб турган Хумо қушига назар солган инсоннинг онгу шууридан шундай ҳаёллар кечади: тупроғи зар Ўзбекистоннинг бошида бахт қуши соябон бўлиб турибди, халқига ризқу насибадек олий неъматларни тутаётган она замин бахтга йўғрилгандек. Қани айтиш, қуёшнинг заррин нурларига чўмилаётган Хумо қуши яна қайси юртда шундай мағрурона қулоч ёзиши мумкин?*

## УНДА ТИНЧЛИК РАМЗИ - ХУМО ҚУШИ БОР

1992 йил 2 июль куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Халқимиз ўзи истаган ҳамда танлаган йўл — эркин, озод ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон халқи ўз кадр-қимматини, ғурурини, тарихи ҳамда миллий кадриятларини чуқурроқ англай бошлади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан янги давлат, янги жамият қуриш йўлидаги ислохотлар жараёнида халқимизнинг миллий ғурурини кўтаришга, озод ва обод Ватан барпо этишга бўлган интилиши, шижоатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз рамзлари, жумладан, герб лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокамалар асосида қабул қилинган бу борада муҳим ишлардан бири бўлди.

Шундан эътиборан давлатимиз герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ҳамда танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортида ҳамда конунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олмоқда.

Ўзбекистон герби давлатимиз чегараларида ўрнатилди...

Дарҳақиқат, Давлат герби мамлакатнинг сиёсий, миллий, хўжалик, географик, этник ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳамда бой тарихий анъаналарини ифодалайди.

Герблар антик даврларда пайдо бўлган. Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, қадимги Рим давлати гербида бургут тасвирланган. Амир Темур салтанатининг гербидаги уч халқа жаҳонгирнинг уч иқлим — Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳукмрон эканига ишора бўлган.

Бундан 2500 йил муқаддам Эрондан Олтойга қадар чўзилган улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ўғузхон даврида ҳам туркча “тамға” сўзи айнан шу маънони билдирар эди. Машҳур тарихчи Рашидиддин Ҳамдоний “Танланган тарихлар” номли китобида шаҳодат беришича, Ўғузхон ўз мол-мулкини ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга бўлиб, инъом этган. Ушбу давлатлар ҳукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамғаларига эга бўлган.

Аждодларимиз давлат тамғасини азалдан муқаддас билган. Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарида тамғани “подшоҳнинг ҳукмдорлик муҳри”, деб изоҳлаган.

Буларнинг барчаси давлат тамғаси халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилик тарихимизда озодлик, ғурур-ифтихор ҳамда ор-номус тимсоли бўлганидан далолатдир.

Давлат тамғасидаги ҳар бир ранг, чизик, белги чуқур рамзий маънога эга. Баланд тоғлар орасидан оқаётган дарёлар, гуллаган водий узра заррин нурларини сочиб турган қуёш юртимизнинг жаннатмонанд табиати, бетакрор иқлими, халқимиз интилаётган нурафшон манзилларга ишора.

Гербнинг сўл томонидаги буғдой бошоқлари ризқ-рўзимиз бутунлигини, ўнг томонидаги кийгос очилган пахта юртдошларимиз қалби, нияти поклигини, беқиёс бойликларимизни акс эттиради.

Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мусамман ичидаги ярим ой ва юлдуз халқимиз ҳамиша комилликка интилиши ҳамда саодатга элтувчи йўлни танлаганини билдиради. Бу тимсоллар миллий анъана ва кадриятларимизнинг боқийлиги, маънавиятимиз юксаклиги, ирода ҳамда эътиқодимиз мустаҳкамлиги рамзидир.

Гербнинг марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Хумо қуши қанотларини кенг ёзиб турибди. Ушбу мўъжизакор қуш халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги азалий орзу-ниятларини ифодалайди.

Тарих фанлари доктори, профессор Б. Матбобоевнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти ва Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академияси Археология институти ҳамкорлигида ташкил қилинган Ўзбек — Хитой кўшма халқаро археологик экспедицияси Фарғона водийси антик даврининг (мил. авв. IV — мил. авв. IV асрлар) йирик археологик ёдгорлиги бўлмиш Мингтепа шаҳар харобасидан турли тасвирлар туширилган ноёб ашёларни топишган. Улардан бири сопол парчаси бўлиб, унинг устки қисмига сиртлон (ёлдор бўри)нинг бош қисми,

ички томонида эса жангчи сипоҳий ва тум-шуклари якқол кўриниб турган, қанотларини кенг ёзган қуш тасвири нақшланган. Олимнинг таъкидлашича, ушбу қуш Хумо бўлиб, у аждодларимизга кўтарин ки руҳ, шижоат, эзгу орзу-умидлар бағишлаб турганидан далолатдир.

Қадимги манбаларимиздан бири “Авесто”да давлатлар тамғасидаги Хумо қуши тимсоли эзгулик, яхшилик, поклик, ҳалоллик, адолат, меҳру оқибат, раҳм-шафқат ифодаси экани қайд қилинади.

Давлатимиз гербининг пастки қисмида, байроғимизни эслатувчи чамбар бандида зарҳал ҳарфлар билан барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган “Ўзбекистон” сўзи битилган.

Мухтасар айтганда, гербимиз халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ҳамда орзу-умидларини ўзида мужассам этади. У олий саодат — истиқдолимиз рамзи, ўзини шу юрт фарзанди, деб билган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаидир.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда истикомат қиладиган барча шахс давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Ўзини англаган, миллий ғурури уйғоқ ҳар қандай инсон эса халқнинг кадр-қимматини ифодалайдиган, Ватаннинг юзи, кўзи бўлган муқаддас тимсолларга ҳамиша чуқур ҳурмат билан қарайди.

Ўзида теран мазмун акс этиб, турфа жило сочаётган гербимизнинг ҳар битта ранги, тасвирлари кўхна тарихимиз, миллий кадрият ва ўзлимиз ҳақида сўзлаётгандек гўё. Герб қабул қилинган сана ҳам чин маънода миллий байрамларимиздан бири десак хато бўлмайди.

Миллий рамзларимиз қабул қилинган тарихий саналар билан бир-биримизни кутлашимиз анъанага айланиб бормоқда. Бу эса, авлодлар миллий ғурур ва миллий кадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига замин яратади.

Енгилмас иродаимиз рамзи бўлган гербимиз — юртимизнинг улкан ютуқ ва марраларида янада юксак аҳамият касб этади.

**Бўри ҚОДИРОВ,**  
**Республика Маънавият ва**  
**маърифат маркази ҳузуридаги**  
**Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар**  
**институти бўлим бошлиғи.**



### Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология ва  
атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

**Бош муҳаррир**  
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарк” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1208  
Адади: 1515.

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик  
жиҳатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарк” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6



*Вилоятдан пойтахтга келиб уйли-жойли бўлиш нақадар машаққат эканини бошидан ўтказганлар яхши билади. Айниқса, собиқ совет тузуми даврида бундан оғир савдо йўқ эди. Чунки кўп қаватли уйлардаги «квартира»лар сотилмас, фақат шаҳар, район ижроқўми томонидан ишхоналарга навбат билан берилар, навбатнинг эса охири кўринмасди. Айрим корхоналарга умуман уй ажратилмасди.*

Мен ишлаган «Ўзбекистон маданияти» газетаси тахририяти ҳам ана шу «бахтиёр» ташкилотлардан эди. Газета Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Ёзувчилар союзининг органи (у пайтларда шундай дейиларди) бўлиб, иккала ташкилот ҳам тахририят ходимларининг турмуши, маиший шароити билан мутлақо қизиқмасди. Яхши бузоқ иккита сигирни эмади, деган мақол бизга тўғри келмас, эмадиган «она» миз йўқ эди. Аниқроғи, «оналаримиз»нинг иккови ҳам қисир эди ёки ўзимиз номаъкул бузоқ бўлганмиз... Бир неча ходим оиласи билан ижарада яшар, айримларнинг фарзандлари мактабга борарди. Кошки эди, ижара бўлсаям бир жойда муқим яшасангиз. Уй эгаси истаган пайтда «икки кун муҳлат, бўшат уйни» дейиши одатий ҳол эди. Оқибатда кўч-кўчлардан безор бўлиб кетган эдик. Камина кулингиз оила курганимдан кейин етти йил ижарада яшаганман, бу йилларда олти жойга кўчдик. Камбағал бўлсанг кўчиб кўр, деганларидек, ҳар бир кўчиш минг бир азоб! Қанча китоблар, кийимлар йўқолганини айтмасам ҳам бўлади. Русларда, уч марта кўчиш – бир ёнғин билан баравар деган гап бор.

Пичоқ суякка қадалгандан кейин, инсон ҳеч нарсадан қайтмас экан. Ўлар ҳўкиз болтадан тоймас, дейдилар. Биз, тахририятда беш киши ҳар қандай андиша, мулоҳазани йиғиштириб, юқори ташкилотга хат-ариза ёзишга келишдик. Буни бош муҳарриримизга айтдик. Кейин билса оқибати яхши бўлмаслигини англлар эдик, у кишининг феъл-атвори ўзимизга маълум эди-да. Бош муҳарриримиз бироз ғижинди, аммо эътироз билдирмади. Хатни тахририят бланкасига эмас, оддий қоғозга ёзинглар, деди. Бу билан тахририят ходимлари эмас, оддий фуқаролар сифатида хат-ариза ёзган бўлар эканмиз. У кишининг ўзи ҳам бир вақтлар шу жараёни бошидан ўтказган, энди унутган ёки бировга ёрдам беришни унча хушламас эди. Ҳозирги маслаҳати гўё бизга ул зотнинг марҳамати бўлди.

Қисқаси, хатни тайёрлаб, беш азамат имзо чекдик. Энг ёшимиз – мен ўшанда 28 ёшда, энг ёши улуғимиз – Ёқуб Яқвалхўжаев 37 ёшда эди. Хатни Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосарига ёздик. Беш азаматнинг энг ёши бўлганим учун хат-аризани Совминга мен олиб бориб топширдим. Афсуски, у даргоҳдан биз кутган жавоб-натижа бўлмади. Ҳафсаламиз пир бўлди, аммо тарвузимиз кўлтиғимиздан тушмади.

Навбатдаги манзил «нажот қалъаси» (А.Орипов) эди. Хатни бошқатдан ишлаб, тахрир қилиб (ҳаммамиз ижодкор-журналистмиз ахир, айрим-

# ИНСОНГА УЧ НАРСА ЗАРУР

ларимизнинг китоби ҳам чиққан эди), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология секретари О.У. Салимовга ёздик. Яна дастёр – камина.

Орадан бир неча кун ўтди.

Бир куни бош муҳарриримиз навбатдаги летучка (тахририят йиғилиши шундай дейилади) ўтказаетган эди, телефон жиринглади. У киши гўшакни олиб салом-алик қилди-да, «хўп, хўп, албатта боради» деб гўшакни қўйди. Ранги-рўйи ўзгарди, асабий ҳолда лабини ўйнатди. Сездикки, у кишига ёқмаган кўнғирок бўлди. Ҳазил-хузул, аския аралаш давом этаётган летучка оҳанги ҳам ўзгарди ва тезда тугади. Бош муҳаррир «беш азамат» (тахририятда шундай ном олган эдик) ҳозир ЦКга боринглар, қабулхонага, аризаларинг бўйича чақиряпти», деди тишларини ғижирлатиб.

Беш азамат бир қувониб, бир ҳаяжонланиб, Марказий Комитет қабулхонасига йўл олдик.

Қалин сочларини орқага тараган, йирик гардишли кўзойнак таққан 40 ёшлар атрофидаги рус киши қабул қилди бизни. Секин, босиқ, дона-дона қилиб гапирар экан. Бизни дастлаб ҳайратга солгани у кишининг ўзбекча гапиргани бўлди.

– Редакторингиз ёрдам бермадимиз? – деди.

– Йўқ, – дедик биз.

– Хат ёзганларингдан хабари борми?

– Ҳа. Фақат редакция бланкасига эмас, оддий қоғозга ёзинглар, деди.

Рус киши мийиғида жилмайди.

– У киши жуда сиёсий хушёр одамда, – деди. Биз бир-биримизга қарадик. – Раҳбарнинг биринчи вазифаси ходимларнинг шароитини яхшилаб қўйиш, кейин ишни талаб қилиш.

Шунга ўхшаган бир-икки гапларни айтди, ортикча савол ҳам бермади. Зеро, хатда ҳаммасини батафсил ёзган эдик.

– Бўпти, боринглар, ишни давом эттиринглар. Ёрдам берамиз... Саломат бўлинглар, – деб хайрлашди у.

Беш азамат қабулхонадан қушдай енгил бўлиб чиқдик ва тахририятга гўё учиб келдик. «Нажот қалъаси» ҳақиқий нажот қалъаси бўлишига, орзумиз амалга ошишига умид пайдо бўлган эди.

...Бу воқеадан кейин орадан қанча вақт ўтди, эсимда йўқ, тахририятга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг қароридан кўчирма келди. Унда Тошкент шаҳар ижроия кўмитасига (Горисполком) «Ўзбекистон маданияти» газетасига ҳар йили иккитадан квартира ажратиш топширилган экан. «Нажот қалъаси» чиндан ҳам нажот қалъаси экани маълум бўлди.

Ана шу қарор туфайли бир неча хо-

дим уйли бўлди. Жумладан, камина 1977 йил 7 июль куни Ленин райони (ҳозирги Миробод тумани) ижроия кўмитасидан уч хонали квартира учун ордер олдим. Бу кун хотирамдан сира кўтарилмайди. Квартира Сергели-2 мавзесидан берилган эди. У пайтда Сергелига боришни унча-мунча одам хушламасди. Ҳозирги Сергели билан у вақтдаги Сергелини умуман таққослаб бўлмайди.

Райисполкомдан ордерни олиб, хурсанд ҳолда уйга келдим ва буни хотинимга айтдим.

– Бир бориб кўрамизми? Сергели жуда узок, шаҳардан анча йўл, дейишади, – дедим.

– Хўжайин, – деди раҳматли умр йўлдошим (у менга шундай мурожаат қиларди), – қаердан бўлишининг нима аҳамияти бор, ўзимизнинг уйимиз бўладими? Тезроқ расмийлаштиринг, тайёр бўлса тезроқ кўчиб борайлик.

Бориб кўрдим. Беш қаватли уйнинг учинчи қавати кўтарилган экан. Чидадик, кутдик.

1978 йил январь ойида чала-чулпа битган уйга кўчиб бордик.

\*\*\*

Ушбу қувончли воқеадан ўн тўрт йил ўтиб, менга Ўзбекистон Президентини девонида ишлаш насиб этди.

Дарвоқе, беш азаматни қабул қилган ўша рус киши Георгий Алексеевич Крайнов бўлиб, ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими газета ва журналлар сектори мудир лавозимида ишлар экан. У Андижонда туғилган, «Андижанская правда» газетаси тахририятида мусахҳиҳликдан бош муҳаррир ўринбосаригача бўлган жараёни босиб ўтган экан. 1976 йилда Ўзкомпартия Марказий Комитетига ишга олинган, бир йилдан сўнг Марказий Комитетнинг биринчи секретари Шароф Рашидовнинг ёрдамчиси этиб тайинланган.

Мен Президент девонига ишга борганимда Г.Крайнов Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ёрдамчиси эди. Иш юзасидан унинг хузурига кириб турар эдим. У ниҳоятда вазмин, маданиятли, кенг мулоҳазали одам эди. Ёшидан, лавозимидан қатъи назар барчага сизлаб мурожаат қиларди.

Икки-уч ой ишлаб, анча синашта бўлиб қолдик. Бир куни озроқ суҳбатлашиб ўтирдик (Президент қаергадир сафарга кетган экан). Шунда узок йиллардан бери кўнглимда тугиб юрган дил изҳоримни айтишга журъат этдим.

– Георгий Алексеевич, кеч бўлса-да, менинг миннатдорлигимни қабул қилинг, – дедим. У ажабланиб қаради. – Менинг ва менга ўхшаган бир неча кишининг Тошкентда биринчи марта уй олишига сиз сабабчи бўлгансиз.

Сўнгра ўн тўрт йил олдинги воқе-



ларни айтиб бердим. У кўзойнагини столга олиб қўйди, кўм-кўк кўзлари менга термилди.

– Сизга раҳмат, – деди ўзбек тилида (у кишининг ўзбекчани билиши сабаби ўқувчиларга аён бўлди назаримда). – Сиз яхши одамсиз, шунча йиллик оддий бир ишни эсдан чиқармабсиз.

– Узр, Георгий Алексеевич, бу эсдан чиқадиغان иш эмас.

Крайнов маънодор жилмайди.

– Сиз шундай хисоблайсиз, чунки сиз яхши одамсиз. Ҳолбуки... – у бир муддат сукут сақлади. – Ҳай, майли... Биласизми, Маматкул ака, одам бола-сига уч наrsa керак, зарур: бошига бошпана, яхши оила, ўзи яхши кўради-ган иш. Шулар бўлса қолгани аста-секин бўлаверади.

...Ўша суҳбатдан кейин янада қадрдонлашиб кетдик. Ҳар гал учрашганимизда астойдил ҳол-аҳвол сўрар, гапининг охирида учта наrsa жойидами, деб кулар эди. Ҳаммаси жойида, дердим мен ҳам кулиб. Саломат бўлинг, деб хайрлашарди.

Охириги йилларда ёшини инобатга олиб, Георгий Алексеевичга енгилроқ иш беришди. Имкон бўлди дегунча, мен унинг олдида кирар, бир дам суҳбатлашиб ўтирар, боролмасам кўнғирок қилиб ҳол-аҳвол сўрар эдим. Крайнов Ўзбекистонимизнинг ярим аср тарихи, бу йиллардаги ўзгаришлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида, Ўзбекистоннинг катта-кичик раҳбарлари тўғрисида жуда кўп наrsa билар эди. У Ўзбекистоннинг тўрт раҳбари ёнида ёрдамчи бўлиб ишлади. Бу ярим асрда бутун дунё каби мамлакатимизда ҳам ақл бовар қилмас ўзгаришлар рўй берди. Дунёни оғзига қаратиб турган давлат жаҳон харитасидан ўчди, бу харитада янги давлатлар пайдо бўлди. Халқимиз не-не машаққатларни бошидан кечирди, қандай буюк натижаларга эришди. Бу жараёнларда қабул қилинган, матбуотда эълон қилинган ва эълон қилинмаган қанча-қанча тарихий ҳужжатларни у билар эди. Хуллас, унинг хотираси олтинкумушдан тортиб, жезу мисларга тўла бебаҳо хазина эди.

Мен кўп марта илтимос қилдим, шуларни гапириб беринг, ёзиб олайлик, тарих учун, келгуси авлодлар учун бебаҳо манба бўлади, дедим. Ҳар гал кейин, кейин, деб орқага сурди.

Афсус, минг афсус... Кейиннинг кети кўринмади. Энди унинг ўзи йўқ орамизда (2022 йил 4 июнь куни 89 ёшда вафот этди). Жуда катта, бебаҳо хазинани олиб кетди ўзи билан...

Кимдандир Крайнов хотираларини ёзган, деб эшитдим. Рост бўлса кошки эди. Аммо менинг ишонгим келмайди...

**Маматкул ҲАЗРАТҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист.